

Биринчи саҳифадан сўз  
**Мустақиллик майдони,  
Озодлик ёдгорлиги**



БУ МАЙДОНДАН ҳар кун ўтардим. У шаҳримизнинг бош майдони деб улуғлашгани етти ёлдан еттиш йилга ҳамма билди. Юрагимда фахру қувонч лекин бир четида жиндек оғриқ билан ундан оқиблардим.

Бу майдондаги гуллар, майсалар шу қадар масъум, пок-наза. Арчалару қайрағочлар кўна бўй чўзаган. Уларнинг маңганчоқликлардан мажнунтоблар уялиб эгилиб олшган. Майин шабада ғир-ғир эсиб Ўзбекистон салқин бўйини майдон узра таратади. Ёнлар ҳам аллақандай улутвор, салобатли туюлади.

Бу майдон не-не таъналарнинг гувоҳи бўлган! Бу майдон шу йил айна кўнам ойда Наврўз байрами наҳидаси билан тўлиб-тошди. Илк бор унинг бағрида халқимизнинг асрий байрами кенг қанот ёзди. Карнай-сурнайларнинг, ноғораларнинг юракни жунбулга келтирувчи садолари шаҳарнинг энг олиқ бурчақларига бориб етди. Бугун ана шу садолар кўзоғимда яна янграб сас берди. Бугун унинг номи ўзгаради. Мустақиллик майдони деб ном олган манзилдан илк бор ўйланма. Юрагим гурур ва ифтихор билан тўла! Уни безовта қилиб турган жиндек оғриқ ҳам йўқ. Назаримда гуллар кулаётгандек ҳаёт шукҳа тўлаётгандек...

Хар бир шаҳарнинг энг эзу нуқтаси бўлади. У бир дарахт, кўприк, иморат ҳам бўлиши мумкин. Шу мўъжазгина нуқтага бутун юрт ийталиди.

Халқимизнинг боши узра Мустақиллик кўёши қарақлади. Оғри эса кутлуғ заманига — Мустақиллик майдонига тегиб турибди. Шу билан асрий орамуз ишландими? Кўёш порлагани билан, майдон эзу ном олгани билан ҳамма нарса жой-жойга тўшиб кетди деган сўз эмас. Буни майдондан ўтаётган ҳар бир одам биллиб қўйишини истардим.

Майдоннинг яна ҳам шукҳули бўлиши — Озодлик ёдгорлигининг қандай бўлишига ҳам кўп жижҳатдан боғлиқ. Бу ҳақда Ўзбекистон ҳукумати қарор қабул қилди, уни келгуси йили Мустақиллик кўни байрамидан очиб режалаштириди. Республиканинг таъкиди ҳайкалларош, меъморлар ҳадемай энг шимариб ишга тўшиб кетадилар.

Озодлик ёдгорлиги! Сен қандай бўларинсан! Кўёш шаклидами ёки пахта шаклидами? Қандай бўлсанг ҳам халқимиз хар нафас интиқлик билан кўз тиккан муқаддас анираттоғча айланшинг тайин!

Мустақиллик ҳақида сўз юртсан, уни қанча алқасан шунча нам бўлади. Зеро, ҳар бир айталган сўз — мустақиллик.

Мен ушбу майдоннинг гурдини кўзимга тўтиб қилганим ҳолда демократия:

— Мустақиллик майдони! Номиндан бу жоним айлансин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

## БУ УЛУҒ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР

24 сентябрь кунини Тошкентда ўзбеклар (туркистонликларнинг биринчи халқаро учрашуви бўлди. Бу учрашув «Эл» халқаро уюшмасининг ташаббуси билан ташкил этилди. Учрашувда ҳозирда чет эл мамлакатларида, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Иордания, Туркия, Австралида яшашган ўзбек ватандошларимиз, қардош қўшни республикалардан келган меҳмонлар иштирок этишди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов учрашув қатнашчиларини самимий таъриқлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ нутқи

Ассалому алайкум, азия биродарлар!  
Озод, мустақил она дийримиз — Ўзбекистонга, ота-боболаримиз азия хоки ётган она тупроққа, бобо-замини Туркистонга хўп, келибсиз, азия ватандошлар, юртдошлар, жигарбандлар!

Қадамларингиз кутлуғ бўлсин, ҳурматли дўстлар!

Бугунги учрашув фақат ўзбеклар билангина эмас, балки тожик, қозоқ, қирғиз, туркман қардошларимиз билан ҳам учрашувдир.

Шу кутлуғ айёмларда дийдор кўришиб, юзма-юз бўлиб, халқимиз ватанимиз истиқболи тўғрисида мулоқот олиб бораётганимиз учун ҳаммамиз шукроналар айтмоғимиз керак.

Чунки бу улуг, тарихий кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!

Мен бу онларни улуг ва тарихий деганим бежиз эмас. Бунинг боиси бу учрашувимиз Ўзбекистон Мустақил Республика деб эълон қилинган дастлабки кунларда ўтмоқда.

Бунинг сабаби бу учрашувимиз улуг бобомиз, бизнинг фахримиз, буюм мутафакир Низоимдин Мир Алишер Навоий айёмини нишонлаш олдидан ўтаётганидир.

Мана шу ватанимиз, миллатимиз, халқимиз учун қўшалоқ байрам билан сиз азизларни, сиз орқали барча ватандошларимизни, узоқ йиллар давомида она юртидан, элидан, қариндошларидан айрилиб, мусофирлик ҳижронларини тортган қондошларимизни чин қалбимиздан таъриқлашга, қўтлашга руҳат бергайсизлар.

Имомини қомилки, бу воқеалар ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди, ватанпарварлар, юртпарварлар юрағига мангу сақланади.

Азия дўстлар!

Ҳаммамизга маълумки, мустақилликка эришиб, эркинлик ва озодлик йўли ҳеч қачон енгил бўлган эмас. Биз халқимизнинг, бутун ватанпарвар элимизнинг юз йиллар давомида қилган орау-умидни рўбга чиқариш — Ўзбекистонимиз, она юртимиз фаровон яшаш учун, етук мамлакатлар сафидан ўрин олиши, умуминсоний тараққиёт йўлига тушиб учун дастлабки қадам қўйдик.

Халқимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан эркинликка чиқариш, фуқароларимизнинг ағъаналари ва урф-одатла-



рини, ноҳақ унутиб юборилган ва ўз юртининг мустақиллиги ва озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимиз пок номларини қайта тиклаш йўлида қатъий қадамлар қўйдик.

Жумҳуриятимиз, эл-юртимиз бой, жуда қатъа имкониятга эгадир. Ерости ва ер устидаги бойликларимизни меҳнатсавар, заҳматқаш халқимиз энди бутунлай ўз манфаати учун, оғир қисматини енгиллатиш учун, ўзига, келажак авлодларимизга эркин ва барқарор ҳаёт қуриш учун ишлатади.

Лекин бу ниятлар, бу режалар ва мақсадларга эришиб учун қанчадан-қанча машаққатли ва хавфли йўللари бошиб ўтишимиз, кўпдан-кўп оғир синовларни енгилшимиз талаб этилади.

Биз яхши тушунаимизки, ҳеч қайси тўғум, ҳеч қандай ҳоқимият шундай улкан, қимматбаҳо хом ашёни аразонгина етказиб берадиган, аслида мустамлака ҳолига тўшиб қолган юртин ўз хоҳиши билан, осонликча қўлдан чиқармайди. Буни биз ҳаммамиз жуда яхши англашимиз зарур.

Биз ўз кучимизни яхши биламиз, ўз халқимизга ишонамиз. Биз тинчлик ва оқилоллик тарафдоримиз ва фақатгина тинчлик йўли билан, бирорта инсоннинг бурнини қонатмасдан ўз мақсадларимизга эришишга ҳаракат қиламиз ва ўз ниятимизга етамиз, иншоолло!

Бундай олий мақсадларга эришишнинг, халқимизга фаровон ва тинч-тоғув турмушнинг таъминлашнинг, меннинг фикримча, битта ягона шарт бор, у ҳам бўлса — биз ҳаммамиз, авваломбор ўз халқимиз, ўз миллатимиз бир тан, бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда курашимиз, меҳнат қилишимиз зарур.

Шу эзу орауларни амалга ошириш учун ўлкаимиздаги барча соғлом ватанпарвар кучларни, сиз, азия ватандошларимизни, юртдошларимизни она тупроғимиз ҳақиқи бирлашишга даъват етаман!

Энг аввало ҳар қандай мафқуравий келишимчиликлардан йироқ бўлишимиз зарур. Ҳар хил гина-аламларни четта суришимиз керак, улуг ўзбек халқи, бутун туркистонликларга хос олижаноб фазилатлар ва ватанпарварлик ағъаналарига мўъносиб бўлайлик.

Мен, Ўзбекистон Президентини сифатида, менга халқимиз юлгандан бутун масъулиятни зиммамга олиб, сиз, азия дўстларимизни ишонтириб айтаманки:

— Ўзбекистонимиз чинакам эркин ва озод жумҳурият бўлади;

— унда барча инсонларнинг ҳуқуқлари тенг ҳимон қилинади;

— юртимиз жаҳон тараққиётига бағир очиб, маърифат ва имонни ардоқловчи, одам қадри-қимматини эъзозлайдиган юрт бўлади. Мен шунга ишонаман ва сизни ҳам ишонингиз чакираман.

Қадрият ватандошлар!

Дунёда ўзбекман деган, туркистонликман деган ҳар бир инсоннинг асл ватани шу тупроқдир.

Бу тупроқда улуг боболаримиз хоки ётибди. Шу заманда ўтандилар ва шу заминни қўмсаб, унга етолмаганлар руҳи-қонларига боп етамиз. Ота-боболаримизнинг арвоқлари бизнинг ватанимиз учун қилаётган хизматларимиздан доим шод бўлсин.

Азиялар!

Сизларга, онларингизга соғлиқ, омонлик, бахт-саодат тилайман!

Халқ учун, ватан учун, она дийр равнақи йўлида қилинган барча ҳайри ишларингизда толе ер бўлсин!

Учрашувда — Ўзбекистон Республикаси Президентини Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, «Эл» халқаро уюшмасининг раиси А. Мақсудий, Улугбек номидаги республика жағамарисининг раиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Қўмитасининг би-

ричи котиби А. Носиров, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, шунингдек Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Австралия каби мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг вакиллари ҳамда қардош республикалардан учрашувга ташриф бурган Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Киргизистон ва бош-

ли шакллантириш зарур. Бу масалаларнинг ҳаммаси Президентимиз И. А. Каримовнинг диққат марказида бўлмади.

Чет эллик ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақил деб эълон қилинганлиги билан қизғин муборабод этишди ҳамда ана шу мустақиллик йўлида Ўзбекистон халқларига янгидан-янг муваффақиятлар тиладилар.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон халқига мураккабтома қабул қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Ўлдошев, Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Махмудова, Тошкент шаҳар кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси В. А. Назаров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

23 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. А. Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Европада ҳаммаиятларни комиссиясини элчиси жаноб Майкл Эмерсонни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатни, шу жумладан, Ўзбекистонни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар тилга олинди. Бозор муносабатларига ўтиш, мулкчиликнинг шаклланиши, шартномавий мажбуриятлар асосида бошқа республикалар билан алоқалар, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий феолият миллий бенинини, тижорат банкларини тўқисоди, аҳолини интиқий ҳимоя қилиш тўғрисида гап борди. Эм, аҳолини интиқий ҳимоя қилиш тўғрисида гап борди. Европа ҳаммаиятларининг иттифоқдош республикалар эҳ-

тиқиларига мўъсабатни муаммоларига эътибор берилди. Ўзбекистон Президентини одамларининг айниқса, нам таъминланган кишиларнинг турмушини яхшилаш учун республикада амалга оширилатган тадбирлар тўғрисида таъриқиб берди.

Майкл Эмерсон Ўзига билдирилган эътибор ва самимий суҳбат учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасини Президентини Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикасини Президентини Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари В. С. Хамидова, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Махмудова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

МАКСИМ Горький номи Тошкент давлат рус академик драма театрида янги томошалар масъуми катта таъйиридан билан бошлаб юборилди. Иқдорлар ўш мух-

ҳамкорликда ҳам иш олиб боради. Жумладан, Нопосибирс драма театрининг бош режиссери С. Гальперин Тошкентга таълиф қилинди. Моҳир санъаткор театр саҳнасига олиб чиқилган янги мусиқали спектакль устида ишлабди.

Маасур асар махшур изкувар Шерлок Холмс ҳақида бағишланган бўлиб, уни саҳналаштириш учун санъат кошоасининг бир гуруҳ етакчи актёрлари жалб этилади.

Саодат ОДИЛОВА.

## ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

24 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. А. Каримов республикамизга бўйлаб сафар қилаётган Покистон Ислоҳ Республикасининг СССРдаги фавулулда ва мухтор элчиси Ашраф Жаҳонгир Қозини қабул қилди.

Суҳбат чоғида мустақиллик қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон хориқий мамлакатлар билан иқтисодий ва бошқа алоқаларни йўлга қўйишда қатъа имкониятларга эга бўлгани таъкидланди. Бу Осие минтақасидаги давлатлар учун ҳам янги истиқболлар очади. Покистонга келганда, унинг Ўзбекистон билан тарихий ва маданий алоқалари қадим-қадимдан манъуд бўлиб, чуқур илдизга егадир. Шу сабабли икки жумҳуриятнинг ҳам савдо-иқтисодий, ҳам маданий соҳа ҳалардаги алоқалари янада қалин бўлмоғи лозим. Шунингдек, Ўзбекистон тарихий меросини авайлаб-асраб, Шарқнинг буюк мутафаккири ва шоири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини таънанали нишонлашга ҳозирлик қўраётгани ҳам таъкидланди.

А. Ж. Қозин Покистон Ислоҳ Республикасини халқи ва унинг Президентини Фулом Исҳоқон номидан Ўзбекистон Республикасининг халқи

га ва Президентини И. А. Каримовга Ўзбекистон мустақиллигини қабул қилгани мўъсабатни билан оғзаки таъриқини топширди.

Элчи Покистон Бош вазири Мийён Навоз Шарифнинг И. А. Каримовга ўзи учун қўлай бўлган вақтда Покистонга келиш тўғрисидаги шахсий тақлифномани топширди. Тақлиф миқнатдорчилик билан қабул қилинди. Таъриф муқаддатлари қўшимча тарада келишиб олинди.

Ияқала томон ўзаро манфаатли асосда мўъсабатларни мустаҳкамлашга таъйир эканини эъхор қилди. Ўзбекистон билан Покистонни бирлаштирадиган ҳаво йўли, савдо уйлари, шунингдек, Тошкентда Покистоннинг Бош консулхонасини очиб имкониятлари дастлабки тарада гапашилиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасини Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари В. С. Хамидова, Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ш. Н. Махмудова қатнашдилар.

Суҳбатда Покистоннинг СССРдаги элчиси маслаҳатчиси Жавид Саид ҳам иштирок этиди.

(ЎзТАГ).

## Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

- Кеча янгиланган партиянинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг бўлажак тузилшига онд муқоабил тақлифлар мўъсабама қилинди.
- Ўзбекистон Кишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги жамоа ҳўжалиқлардаги курилиш жумҳурият давлат-ширатиб берилашмаси — «Узкопкострой» мустақил ҳўкуқий мақомага эга бўлди.

## ИТТИФОҚДА

- Железноводскда Россия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Арманистон президентлари Тоғли Қорабоб юзасидан ўтказган музокараларни натижаларини бўйича яқуловчи ҳўкумат қабул қилинди. Унда Тоғли Қорабобда дарҳол ўт очини тўқатиш, бу ердаги конуний ҳўкимиятнинг тиклаш, бу йили кузги қилingan барча аҳолини ўз ишви жойларига қайтариб келтириш, музокаралар ўтказиш учун доимий иш олиб борадиган ораму ташкил этиш каби чоралар кўзда тутилган.
- Кеча Москвада Россия Демократик ислохотлар партиясининг таъсис конференцияси очилди. Бу партия Демократик ислохотлар ҳўракати доирасида ташкил этилмоқда.
- Грузия Президентини З. Гамсахурдия Тбилисдаги фавулулда ҳўлат жорий қилди. У Республика аҳолисини сафарбарликка даъват этиди. З. Гамсахурдия оппозициясини қўллаб-қувватлаётган депутатлар унинг тарафини олишмас парламентини тарқатиб юбориши мумкинлигини ҳам айтди.
- Украина ҳўкумати Чернобыль атом электр станциясини 1995 йилгача бекитиш ниятида.

## ХОРИЖДА

- Бугунги кунда АҚШ Қуролли кучларининг сонини 2 миллион 18 минг 361 кишидан иборатдир. Америка қўрбонлари сонини камаиб бормоқда. 1996 йилга бориб, улар 1,6 миллион кишини ташкил қилиши мўъжалланмоқда.
- Совет авиаконструкторлари тошувдан тез учадиган янги авлод фуқаролар таъйирасини яратиб юзасидан тузилган халқаро гуруҳ ишда иштирок эта бошладилар. Бу лойиқани амалга оширишда Туполов номидаги конструкторлар бюроси жамоаси қатнашмоқда.
- Югославияда қарши турган томонлар ўртасида ўт очини тўқатиш тўғрисида битмага келингандан сўнгги дастлабки кун нисбатан осойишта ўтди.



1991 йил—Ўзбекистонда

Алишер Навоий йили

Навоийшуносларимиз меросидан

рузалар ўқиди, дарслик ва Навоий, «Навоий ва татар қўлланмалар ёзди. Унинг адабиёти» (1938—1939 йил...

Профессор Абдурахмон докторлик диссертацияси ёқ Саъдий 1920-1950 йилларда Самарқанд, Тошкент Давлат йўли ва гуманитарниқ идеали...

Абдурахмон САЪДИЙ.

ШОИРНИНГ АДАБИЙ МАКТАБИ

АЙРИЧА ҳар халқ тилига ҳурмат қилиш ва ўз она тилини ҳам бутун кишилик маданиятини қозониш воситаси қилиб ўстириш ва тараққий эттириш фикрига келишда Қаюм Носирий Алишердан кўп илҳомланган, ундан шу йўлда кўп ва тўғри фойдаланган.

Қаюм Носирий Алишер Навоийнинг тил бобидаги илмий хизматларидан («Муҳокама тулутайи»)идан фойдаланиш билан бирга, айрича Алишер ижодиётидаги гуманитарниқ идеалларидан, халқ манфаати, халқ бахти учун кураш...

Ўзининг устози Алишер Навоий каби Қ. Носирий ҳам халққа муҳаббат билан ёнди; халққа ўзини маҳкам боғлади, халққа таянди ва халқ манфаати учун хизмат қилди. Бутун умри бўйича Навоий каби адабий тил ва адабиётнинг меҳнат халқининг манфаати учун яратилиш ва хизмат қилдириш идеяси билан нафас олди.

Масалан, Алишернинг шу асаридан («Муҳокама»)ида келтирилган икки мисра гузал тасвирдан фойдаланиб, татар шоирларидан Дардиманд «Расм» сарлавҳаси билан бир тасвир бўлган. Бошига «Навоийдан» деб қўйган. Мана бу «Муҳокама тулутайи»нинг шеърӣ материаллари татар шоирлари томонидан ҳам фойдаланилганини, уларни илҳомлантирганини очиб кўрсатади.

«Муҳокама»даги шеър: Онингим ол энгида менг яратди, Бўйи бирла сочинг тенг яратди. Дардиманд мана шундан фойдаланиб туриб, тўғриси, шундан илҳомланиб ҳам шуни кенгайтириб, қўйдаги бадий «Расм»ни ёзган: Тонкайин оқтўшқайларин кенг яратган, Беткайининг анг учунда менг яратган, Сақлар учун анёфо бўйин ёмон кўздан, Сочқайларин оёқ билан тенг яратган».

(Шўро, 1908 й, № 8).

АДОЛАТ КУЧИГА ИШОНЧ

АЛИШЕР Навоий «Саъди Исқандарий» достонида XV асрнинг жамини билмишларидан хабардор олим, адолатнинг яратувчидан кучига ишонган фойласуф, ўз даврининг ўткир сифатсиз ва ахлоқсиз синфига даъво берди. У ўзининг бу борардаги қарашларини ифода этиш учун Исқандарий маънавий сиймосидан, унинг амалий фаолиятиндан кенг фойдаланди.

Навоийнинг Исқандарий афвало адолатли шох, бу хусусият даяри унинг бутун фаолияти давомида яққол кўриниб туради. У марказлашган, давлат тарафдориди. Бу йўлда фаолият кўрсатар экан, адолатни байроқ қилиб кўтарди, тоёв мамлакатларга уларнинг ўзларидан шох тайинлайди, қон тўкилмаслигини олдини олиш учун келишиб иш кўришга ҳаракат қилди. Илани ва иллий кишиларни қардлашди. Ҳар бир ишда илм кучига таянади.

Исқандар жамини нарсаларга қизиқиб қарайди. Ҳақ забт этган курулқулу суварлардаги ақойиботларни ўрганади, табиатда, жамиятда рўй бераётган ҳодиса ва воқеаларнинг сирларини билишга, уларнинг манбаларини аниқлашга ҳаракат қилди. Бир сўз билан айтганда, Исқандар ҳақиқатга эришган ҳоким образидир. Навоий ана шундай мукамил, тўқис, адолатли, сақоватли шохларни орзу қилди, ўз мамлакатининг шохи Султон Хусайини ва темирнинг шохадоларини ундан адолат бобода ибрат олишга чақирди. Лекин шўр достонда Исқандарнинг фақат мақолага лойиқ ишларининга кўрсатиб қолмай, унинг табиатдаги давр, широн тазқосиси билан кейинчалик юз берган манманлик — «бийлик жунун» салбий хислатини тасвирлашга ҳам кенг ўрин беради, кишилардаги бу хислат ҳеч қандам ахлоқий келтирмаслигини, ҳатто ҳўлу курулқулининг ягона шохи бўлиши, Исқандар фаолиятда ҳам унинг натижаси бевақт ўлим билан тугатганини кўришиб ёзган. Шу бонс бу амон хислатдан ўз шохди ва шохадоларини огоҳ бўлишга ва Исқандарнинг бу салбий томонидан иб-

ЖОЗИБАДОР ҚАСИДА

АТОҚЛИ ўзбек бастакори Мутал Бурханов ижодида улғур шоир Алишер Навоий асарларига ёзилган қўшиқлар анчагина. «Поэма-қасида» деб аталган йирик мусиқа асарида ҳам шеърлат султонининг ёрқин сиймоси оҳангдор мусиқалар орқали жонли талқин қилинган.

Таниқли шоир Абдулла Орипов шеърига ёзилган бу жозибадор қасида ақинда Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ижросида яна бир бор баралла янгради. Ҳа, мазкур ижодий жамоаниннг янги мавсуми ана шу мусиқа билан бошланди.

Анбар АЛИЕВ.




Сиҳат-саломатлик

ОТАХОН ЁРУФ ДУНЁНИ КЎРДИ

ҚАРИЯЛАР яхши тилак тиқов шундай азият чекиб билдиришиб: «Тўрт мучалинғ кўзларини очилди. Тўрт мучалинғ бири — ёруғ олами кириб турган кўзидир. Агар у хасталаниб кўрмай қолса дунё қоронғи, ҳаёт маъносиз бўлади. Тўқсон ёшга борган Кудрат ота Ор-

хон. — Фарзандларим, кўзингиз очилди, дейишиб ажайиб дўхтирга олиб боринди. Республика кўз касаллиқлари шифонасида машҳур дўхтир Маҳаммаджон Комилловнинг шогирдлари — қизлари Жамилахон Комилова билан Собиржон Маҳмудовлар кўзини Ингирма дақиқда жарроҳлик йўли билан очинди, ёруғ дунёни кўрдим, оламга янгидан келгандек бўлдим. Шифокорларимиз шундай мўъжизали даволашни билишди. Баъзи кексалар, ёшим ўтиб қолди, кўзим энди очилмаса керак, деб юришди. Йўқ кўли гул шифокорларимиз бунга даво топишди. Кироси раво Отанулов кўчасининг 6-хонадонда истиқомат қилаётган Улғур Ватин уруши қатнашчиси Кудрат ота Ортинқовнинг кўзи 90 ёшда очилгани сўзимизга шохидлик беради. Меҳри дарё, қўли шифобахш дўхтирларимиз барака топишин!

Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кекса матбаачи.



ҚОРАСУВ АҲОЛИСИ УЧУН

ҚОРАСУВ даҳаси қурилиш бошлиғи, уй-жойлар фойдаланишга тоширилгач аҳолига тракторсозлар даҳасидаги 13-поликленина хизмат кўрсата бошлади. Лекин аҳоли сони кўп сайин ошиб бориши сабабли шу даҳанин поликленинаки бунёд этиш зарурати туғилди. Шундай қилиб янги поликленинаки бунёд этиш ишлари бошлаб юборинди. Уни 4-қурилиш трестининг 6-қурилиш бошқармасининг бинокорлари қуришди. 1,5 миллион сўм маблаг сарфланди. Поликленинаки энг замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. Бу ишларнинг бақарилишида Ўзбекистон Республикаси

халқ депутатларидан Ш. Т. Нурсатов, Қ. Т. Ризаев, Ш. О. Мирзиёевлар айниқса жонбозлик кўрсатишди. Кўни кеча ана шу янги поликленинаки тантанали очилиш маросими бўлди. Бу ерга Қорасув даҳасида истиқомат қилувчилар, янги шифо масканини бунёд этган қурувчилар, табиқий поликленинаки қабул қилиб оладиган тиббиёт ходимлари тўпланишди. Унда сўзга чиқ-

амалга ошириляётган ишлар чиндан ҳам диққатга сазовордир. Эндилдида ўз эшикларини очган, барча шарт-шароитлар яратилган бу янги замонавий 36-поликленина хизматидан Қорасув даҳасининг меҳнат аҳли баҳраманд бўлмақда, улар малакали шифокорлар ёрдамида ўз дардларига алҳам топадиган бўлишди.

Собир БОТІРОВ. СУРАТЛАРДА: янги шифо масканининг фойдаланишга тоширилишига бағишланган тантанали маросимдан лавҳалар акс эттирилган. Шербек Иброҳимов суратлари.

ҚАР БИР киши ўзида маълум ёшга борганида ўтган йилларни, босиб ўтирган йўллари сарҳисоб қилиш эҳтиёжини сезади. Шу тариқа автобиография қисса, хотиралар, эсдаликлар дунёга келади. Аксари ҳолатларда улар босилиб чиқини билан жуда машҳур бўлиб кетади. Академик Фёдор Утловнинг «Хирурғ қалби», «Умр қадри», Зиррилла Эгамбердиевнинг «Луқмон ҳақим изидан» сингари китоблари ана шундай умр сарҳисоби меваларидир.

Асаб касаллиқлари бўйича таниқли шифокор, тиббиёт фанлари доктори Шомурод Шомансуровнинг Ибн Сино номли нашриёт чоп этган «Врач хотиралари» китобида ҳам қариб чорая асрдан зиёд муддатдаги турфа хил воқеалар қаламга

КЎНГИЛ КИТОБИ



олинади. Муаллифнинг ўзи таъкидлашча эса ушбу китоб: «Врачлик касби нима? Бу касби ҳамма шифокорлар ҳам бир савияда эгаллаш олиши мумкинми? Ҳақиқий врач бўлиш учун нима қилиш керак?» каби юзлаб саволларга батафсил жавоб тарзида ёзилган.

«Врач хотиралари» маълум маънода автобиографик китоб десак тўғри бўлади. Зеро Шомурод Шомансуров сўз бошида таъкидлаганидек «Кўрган - кечирганларимни бўймай-бекамай, қандай бўлса, шундай қозоғга туширдим».

Китоб уч асосий бобдан иборат. Ҳар бобининг маъмуни эса номидан аёнлик бериб турибди: «Тарихим ҳолдан бир шингил», «Тиббиёт оламидаги мўъжиза», «Олимлик пиллаюксидаги қийинчиликлар».

Муаллиф китоб воқеаларини ягона мавзу атрофида айлантириб, ривожлантирмайди. Воқеалар ўз оқими билан бир-бирига боғланиб боранеради. Ҳар бир саҳифани ўқиб тугатар экансиз, албатта «Машҳур кишиларга, ўз касбининг усталигари ҳам осон бўлмаган экан» деган фикр кўнглингиздан кечади. Шунда тиббиёт ходимлари кўзинидаги яна ҳам мўъжизали, сирли кўринадди, уларга бўлган эҳтирсон ошадди.

Шомурод Шомансуровнинг ушбу китоби кенг дитобтохлар оммасига мўъжаллаб ёзилган. Унда бўлажак табиилар — талабалар ҳам, оддий китобхон ҳам ўқиб бидека зақ, билим олади, тегишли хулосалар чиқаради. Биз китобни истаганида мақташ, кўзларга кўтаришимиз мумкин. Яхшики, «Врач хотиралари» эсдаликлар китобини ўзиниға ўқиб чиқинг, азия муштарий.

Тоҳир ИУЛЧИЕВ.

Шифокор қабулида ТЕРИНИНГ ИККИ КАСАЛЛИГИ

ан олиб борилиши керак. Беморга сўт-ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган ларҳоз маҳсулотлари буюрилади. Каттик сезувчанлик берадиган маҳсулотлар: қаз, шохолед, колбаса, спиртли ичимликлар ва бошқаларни истеъмол қилмаслик керак. Ичакларнинг мейвёда юришиб туршиши тўқимиллаш лозим. Шашкем сурункали тошиб турадиган кишиларга дам олиш жойларда даволаниш, денгизда чўмилиш, ҳаво ва кўшда бўлиш яхши наф беради. Шашкемнинг олдини олишда энг муҳими, бемор аэозтанга ёқадиган ва ёқайдиган овқатларин ажрата билиши, кўнгли тортмагаларини истеъмол қилмаслиғи лозим. Каттик қийинчилик намайтириш мақсадида терини

кўришиб туради, тугунчалар орасида теридан салгина буртиб чиққан, бир неча миллиметр узунлидаги тўғри кели эгри чизичка — кана йўли ҳосил қилади. Бемор қаттиқ қичинади, бу ҳолат айниқса кечаси кучайди (кана кечаси айниқса актив ҳаракат қилади). Қичинганда терининг тирналган жойига микроб тушиб, терининг янриғли касаллиқлари вужудга келади.

Терининг юлқа ва нозик қисмида касаллик аломатлари пайдо бўлиши билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Кўнглини даволаш учун шифокор буюрган дозрин 6 кун суртиш лозим, шу вақт ичида чўмиллиш мумкин эмас, еттичи кун чўкилиб, кейинлар алмаштирилади. Бемор бошқалардан алоҳида этишиб, алоҳида сочқ, идиш-товуқ тутини лозим. У ишлатган кўрпа, астиқ, ич кийимларини яхшилаб қайнатиб ёки лизолнинг 10 фоизли эритмасига бир соғатча солиб кўнгли керек. Устин кийим-кечакларни дезинфекция қилиш, илоҳи бўлмаса, 5 кунгача кўшга илб қўйилган ёки даямол босилган. Бемор ётган хона ва жиҳозларини нам латта билан артиб туриш керак.

Кўнглига ўз вақтида даво қилинса, бемор тез тугалиб кетади. Унинг олдини олишда шахсий тозаланик риоя қилиш керак. Кўнгли билан оғриган беморлар батамом тугалиб кетмасидан ишга ёки ўқиниға чиқишларига рўхсат этилмайди.

Усам МИРАҲМЕДОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

«СИҲАТ-САЛОМАТЛИК» МУШТАРИЛАРИГА!

АЭМЗ оқшохон! Одатда, бир-биримиз билан даррлашганда жамини аччиқ-чўчуқ гапларни ортга ташлаш учун: «Саломат бўлайлик, соғлиқ бўлса ҳаммаси ўз ичига тушиб кетамиз», деб тасалли берамиз. Чиндан ҳам шундай. Дунёда соғлиққа тенглашадиган боилқ йўл! Рўномамиз аэма муштарийларимизнинг дом сийҳат-саломат бўлишларини тилаб, мана бир неча йилдан берди «Сийҳат-саломатлиги» руқинда фойдали маслаҳатларни бериб келимоқда. Оқшохонлардан келаятган кўплаб хатларда уларнинг қизиқтирган муаммолар, истақ-тиклилар, шифокорлардан миннатдорчилик дил сўзларни акс этган.

Милтиосларини назарда тутиб янги йилдан «Сийҳат-саломатлиги» руқини аэма муштарийларимизнинг янгида қизиқарли, мазмуни ва нундалик турмушда асқотадиган тарзда тайёрлашни режалаштирдим. Биринчи галда дунё бўйича кенг тарқалган юрак, буйрак, ичак ва қанди диабет касаллиқларини, ичкннинг олдини оқибатлари, янгида даволан усуллари, лазер нури ағзаларни, қимбиз дориларини таъсир ва зинн, ўт-ғиёҳлардан тайёрланган дориларини ҳосилларни, раҳий даволан ва иссон қўндаги ҳаётбахиллик сирлари, кўш нурунинг мўъжизали таъсир, маъданли сувар, шифобахш лойлар, сабзавот ва меваларнинг аэзон-танга

фойдалари, тиббиётдаги янгиликлар ҳақида мақолалар бритамаз. Бундан ташқари, руқий толиқиб, ўқувчиллик, диққатрасилик, дигири бўлиш, бехосдан темир тортишиши, аэзон тан бўнашиш сабаблари, шунингдек озадоллик омилини, юқумли касалликлардан сақлиниш, беморга биринчи ёрдам бериш, уйда зарур дориларини сақлаш ва фойдаланиш ҳақида маслаҳатлар берилади. Саломатлик билан боғлиқ мавзуларда тиббиёт олимлари, фан дотторлари, фан номзодлари, таърибали шифокорлар, етук мутахассислар мақоалари билан катнашадилар.

Қадимий табобат хазинасида, машҳур ақиллар ва табибларнинг мулоима усулларида, тиббиёт тарқини-дан ҳикматномалардан, ривоят ва ҳикоятлардан намуналар чоп этилади. Биз юқорда баён этганлардан ташқари Сиз юборадиган истан, талаб ва саволлар асосида мақсус мақоалар уюштириб бериб борамиз. Шундай экан, агар Сиз 23 сўм 68 тиқини аямая «Тошкент оқшохони рўномамизга ёзилб қўйсангиз янл бўйи сақифалардаги ранг-баранг қизиқарли мақоаларини ўқиб маънавий руҳ, «Сийҳат-саломатлиги» руқиндан эса яхши кейфият, қимматли маслаҳат олиб динингиз шод бўлади. Сизга мустақим соғлиқ тилаймиз. «Тошкент оқшохони» рўномамиз фан, маданият ва ахлоқ бўлими.



Анъаналар—халқ мулки



Хар тўғрида

● МАСЕРУ. Жанубий Африка соғлиқни сақлаш ва одам ресурсларини ривожлантириш (САДХР) бошқармаси ўзига тобе барча муассасаларда чеклини тақриб қўйди. САДХР ходимларининг Преторияда эълон қилинган «Ахлоқнома»сида Жанубий Африка жумҳуриятида қишлоқ қарши ўтказиладиган умуммиллий кураш кампанияси доирасида хусусан шу ҳукумат ташкилотининг хизматчилари «Бошқаларга шахсий намуна кўрсатишлари керак». САДХР ходимларига эндиликда «Уз хузуруларига келувчилар билан учрашиши мумкин бўлган ҳамма жойда ситара билан пайдо бўлиш» тақиқлаб қўйилган.

● КАМПАЛА. Уганда пойтахти ҳафталаб, ҳатто ойлаб сувга ташна бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, у Африкадаги энг катта ва жаҳондаги чучук сувли қўллар ичида иккинчи ўринда турган Виктория қўли соҳилида жойлашган. Сув таъминоти ва канализация миллий корпорацияси (ННБК) аввалига бунинг учун бу ташна айтилиб энергияси етишмаслигига қўйди. Уганда элктр энергияси билан таъминлаш кенгаши бунга жавобан корпорацияни Ғарб мамлакатларидан харид қилинадиган эҳтиёт қисмлар билан унинг сув насосларини ўз вақтида таъминламоқчи бўлиб қолганда айболомқда. ННБК Уганда банки ва истеъмолчилар тимсолида янги айбонларни қидириб топилмода. Банк эҳтиёт қисмлар сотиб олишга қарз бермайпти, истеъмолчилар эса об-ҳаётдан фойдаланганликлари учун кўп қардор бўлиб қолганлар. Улар бахслаша, бахслашавришсини, бундан ҳеч қандай фойда йўқ. Чунки жумрақлардан деярли сув келмайпти.

● ВИНДХУК. Свазилендда халқ анъаналардан воз кечганларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмади. Йоханнесбургда чиқарилган «Стар» рўзномасининг халқаро қўлинича, мазкур қиролликнинг Африка жанубидидаги атоқли қабилла бошқаруви билан бир вақтдошларини қанши рақиб байрамда қатнашадиган бош торттишга уринган қизларга жарима солиниши тўғрисида қатъий оғохлантдири. Узини ҳар қандай оқлаш, ҳатто байрамда қатнашмаган кишилар янгида христиан динини қабул қилганликларини баҳона қилиш ҳам ўтмайди.

Иллик байрамда анъаналарга кўра 10 ёшдан 19 ёшга

# САХОВАТ САЙЛИ

«ОҚШОМ» рўзномаси ана шу байрам ҳақида — Меҳржон байрами ҳақида хабар бериб ўз муштарийларини шахримиз марказидаги сўлим гушалардан бири бўлмиш М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюришга таклиф этган эди.

ликини кўрасиз, Тошкент вилоятининг жамоа ва давлат хўжаликлари меҳнат аҳли пешона тери билан етиштирган она замин неъматлари билан савдо қизигандан қизиб борар эди.

зишда жонбозлик кўрсатган Уткир Тоҳиров, Собит Мама-товларнинг сазй-ҳаракатлари, Ўзбекистон халқ артисти Сурыат Пулатов, республикада хизмат кўрсатган артист Найма Пулатова, артист Файзулла Аҳмедов ва бошқа шу каби Меҳржон байрамини ўтказишга бошқор булган ўз касбининг ҳақиқий фидойилари меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак.

«Она ер саховати» деб аталувчи театрлаштирилган ана шу байрам сайлига ташриф буюрувчиларни қарнай ва сурнай савдоларининг киши қалбига кувонч ҳис-туйғуларини олиб кирадиган ажиб садо-симми; боққа ташриф буюрувчиларни очик чехра билан кутиб олаётган унинг ташкилотчилари юзиди майин табассумми, бу ерининг чиройли ва саранжом-сарийшта қилиб безатилганими, хуллас, кўз қўбининг кишига ёнимли тафти остида нишонланган ушбу байрам фазли ўзига қорлар эди.

Неъмат Дўстхўжаев, Абдулла Азимов, Анивар Шамсидинов, Абдурахим Умаровларнинг одоб-ахлоққа оид панд-насиҳатлари, СССР халқ артисти Халима Носированинг мустанид Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбек халқи ҳақида айтган дил сўзлари, олимлардан Вилло Аминов, Фатхулло Зикриллаев, тадбирни ўтказишда хизмат кўрсатган артист Найма Пулатова, артист Файзулла Аҳмедов ва бошқа шу каби Меҳржон байрамини ўтказишга бошқор булган ўз касбининг ҳақиқий фидойилари меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак.

«Она ер саховати» деб аталувчи театрлаштирилган ана шу байрам сайлига ташриф буюрувчиларни қарнай ва сурнай савдоларининг киши қалбига кувонч ҳис-туйғуларини олиб кирадиган ажиб садо-симми; боққа ташриф буюрувчиларни очик чехра билан кутиб олаётган унинг ташкилотчилари юзиди майин табассумми, бу ерининг чиройли ва саранжом-сарийшта қилиб безатилганими, хуллас, кўз қўбининг кишига ёнимли тафти остида нишонланган ушбу байрам фазли ўзига қорлар эди.

Богнинг «Одобнома» ва «Меҳр-шафқат» деб аталувчи чойхоналари бу ерга ташриф буюрган фурувий отахонлару жажжи фарзандларининг шодон кўгуларига тўлган эди. Қарга қараманг тўкин-сочини, яна бир қанча профессо-

Синд БОБОЕВ.  
● СУРАТЛАРДА: Меҳржон байрамидан лавҳалар.  
Тўлқин Қаримов суратлари.

Муҳаррар Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

## ТИЖОРАТ ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО.САВДО МАРКАЗИ



ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРГА ВА ЎЗ СОҒЛИҒИ ҲАҚИДА ҲИЛЛАЙДИГАНЛАРГА: энг арзон ва энг «соғлом» шахсий транспорт воситаси — «УРАЛ» ВЕЛОСИПЕДИНИ (баҳоси — 288 сўм);

саяхат ишқибозларига сафар вақтида орқаландиган САФАР ХАЛТАСИ (баҳоси — 8 сўм 90 тийин) ва СА-ФАР ҚОЗОНЛАРИ ТЕРМАСИ албатта асқотади;

хатто энг кичик уйда ҳам митти стадион барпо этиш мумкин. Бунда Сиага ГИМНАСТИКА ҲАЛҚАЛАРИ, МАССАЖЕРЛАР (баҳоси 4 сўмдан 7 сўмгача), ТРЕНА-ЖЕРЛАР (баҳоси 8 сўм 90 тийин) ёрдам беради. Кичик-китойларга ГИМНАСТИКА ҲАЛҚАЛАРИ, црни трапе-цияси ва арамычдан иборат спорт аякомлари термаси қўл келади. Уларни эшик кесансига осиб, зарур бўлма-са олиб қўйиш мумкин.

Саломатлигинизнинг мазаси бўлмаса, ЭЛЕКТРОНЕЙ-РОСТИМУЛЯТОРЛАР (баҳоси — 35 сўм, 60 сўм, 84 сўм) хасталиқдан фориғ бўлишингизда, ўзингизни тетик ва бардам сезишингизда ёрдам беради.

РУЗҒОР ВА ОИЛА УЧУН:

Уй бекалари дўконлардан кўпгина зарур буюмларни: 10 литр сийғимли ЭЛЕКТР САМОВАРЛАРНИ (баҳоси — 100 сўм), ХУЖАЛИК ЭЛАКЛАРИНИ (баҳоси — 12 сўм), ОШҚОНА УЧУН СУВ ЖўМАРЛАРИНИ, ТУРЛИ ПИШИРИҚЛАР УЧУН ҚОЛИПЛАРНИ, давлолатчилик АЯЖОМЛАРИНИ, ЗАҒОРИ МОЙЛИ БЎЕҚЛАРНИ, СОЧИЛУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР УЧУН ИДИШЛАР ТЕР-МАСИНИ (баҳоси — 8 сўм 10 тийин) топшилари мумкин. ҲАВАСКОР СУРАТГА ОЛУВЧИЛАР УЧУН:

Сифатли сурат чиқариш учун барча зарур жиҳозлар — «ВЕЛОРУСЬ», «ТАВРИЯ», «УПА» сурат катталогичлар-ни, фотоэкспонометрларини, тақриба тарихида сурат бо-сиш қурилмасини, сурат катталогичлар учун «ИНДУСТАР» объективларини таклиф қилади.

АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИГА:

Автомобилдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш учун Деста-М (баҳоси — 20 сўм) воситасини, «МОСК-ВИЧ» ва «ЖИГУЛИ» автомобиллари учун тортиш-тиркаш қурилмасини (баҳоси — 40-50 сўм);

«МОСКВИЧ» автомобили учун иситиш қурилмасини; мотоцикл гилдираклари учун тўсқичларини (баҳоси — 13 сўм).

Дўкондан ота-оналар ўз кичикитойлари учун ВОЛА-ЛАР АРАВАЧАЛАРИНИ, яттароқ ёшдаги болалар учун турли-туман ўйинчоқларини, болалар ҳарбий техникасини сотиб олишлари мумкин.

Дўкон пул ўтказиш йўли билан ташкилотларга, корхо-наларга, мактабларга «ЛЭТИ», «ПЕЛЕНГ», «КИЕВ» диа-проекторларини сотади.

Дўконнинг иш вақтини еслатиб ўтави: соат 9.00 дан 18.00 гача очик, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш кўни — якшанба.

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО.САВДО МАР-КАЗИ.

«СОУЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯ-ТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

### ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ


15 НОЯБРГАЧА АБОНЕНТЛАРГА СУВҚУВУР-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИҚЛАРИНИ 1991—1992 ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЕРЛАБ ҚУЙИШНИ

### ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

Сувқувур ва канализацияни ҳар эҳтимолга қар-ши таъмирлаш; вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш; очик ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган сувқувур-канализация хўжаликларни қўшимча оғох-лантиришсиз шаҳар сув тармоғидан узиб қўйилди. Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимли-гини эслатамиз.



### ХОВЛИ СУВҚУВУРЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЕРЛАШ

Ховли сувқувурларининг тик қувурларини қиш мавсумига иситиётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40—60 миллиметр бўлиш қилини лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материални бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситиш материалининг қалинлиги камиди 30—35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп: қалин қороз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиққа қипиқ тўлдирилади.

Қўпичча вентиляция салниги ишдан чиқиб, сув иссиқлигини сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентиляция тагида тунақа ёки шифер бўлиши, уни ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мучча ишбадлик билан ўрнатиш лозим. Гилоф-нинг усти очилиб, ёпиладиган қопқоқ билан ёпи-либ, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

### КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» ДЎҚОНИ 28 СЕНТЯБРДА ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

И. ЭРЕНБУРГ. 8 томлик Асарлар тўплами. Бай пули — 4 сўм. ЧЕТ ЭЛ РУС АДАБИЕТИ. 6 томлик. Бай пули — 7 сўм.

Уйин-обунда қатнашишни хоҳлаганлар 28 сентябрь соат 9 дан 18.00 гача рўйхатга ёзиладилар. Уйин соат 18.00 да бошланади.

Ютуқли абонементлар 3 кун: 29, 30 сентябрь, 1 октябрда соат 9 дан 18.00 гача берилди.

Рўйхатга ёзиладиган рафта шахсий паспорт ҳамда ўз манзилингиз, фамилиянгиз, исмингиз ва отангизнинг исми аниқ ёзилган почта открткисани ёнингизда олиб келишингиз шарт.

УЛУГ ВАТАН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ 1991 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДА ЭЗИЛАДИ.

Улуғ Ватан уруши ноғироллари учун рўйхатга ёзилиш ва ютуқли абонементларини бериш 1991 йил 30 сентябрь ва 1 октябрь соат 9 дан 12.00 гача бўлади.

ОБУНАЧИЛАРГА ҚУЙИДАГИ НАВБАТДАГИ ТОМЛАР БЕРИЛАДИ:

РУС ТИЛИ ҲИТЎВЧИСИ КЎТУВХОНАСИ — 30 китоб (М. Шолохов). В. КОРОЛЕНКО — 5-том. Ф. ДОСТОВЕВСКИЙ — 9-том. А. НАВОИЙ (Ўзбек тилида) — 7-том. РУСАЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ (Ўзбек тилида) — 1, 2-томлар.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАР — 8-том. Маълумотлар олиш учун телефон: 44-57-41. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7 «а» уй.

### ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДҶ. КОН-САЛОНИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

ЧАНС-2 м, тери орқали тельеир кўрсатадиган электроней-ростимулятор кўпроқ невротик оғриқларни йўқотиш ва қатор шамоллаш касалликларини даволаш учун мўлжал-ланган.

Оҳарабони қисма зирақлар бош оғриғи, мигрень, бош айланиши, ҳафақон касалликларини ва қўнғил айниганда аурикулар оҳарабо муолажаси учун мўлжалланган.

### АВТОҲАВАСКОРЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

«БАСК»-4 — аккумулятор ва элктр асбобларнинг хизмат муддатини узайтирадиган автомобилнинг борт тар-моғиди кучланиш индикатори.

«ЗАГЛУШКА» — ювти жарабиди ВАЗ двигателининг мўллаш тизимини герметиклаштириш учун мўлжалланган. ВАЗ автомобили ёқилди насосининг таъмирлаш комплекси. Маълумотлар: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 33-78-34, 33-68-60.

### ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Стародубцев кўчаси бўйлаб иссиқлик қувурининг таъмирланиши ва автотранспорт ҳаракатининг тўхтати-лиши муносабати билан

25 СЕНТЯБРДАН 5 ОКТЯБРГАЧА 2 ва 80 «э» АВТОВУС йўналишлари ҚАРАКАТИ Шота Руставели кўчасидан ГЛИНКА, ПОЛТОРАЦКИЙ кўчалари бўйлаб бир йўналишда ташкил этилади ва у ёғна ўз йўлда давом этади. Орқада қайтишда авто-буслар ҳаракати ўзгартириш қолади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-82-87, 55-44-58.

Тошкент шаҳар йўловчилар комитетининг барча тур-даги шаҳар йўловчилар транспорт ишнини муво-фиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

### НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

25/IX да Богочарорий фаво-раси, 26/IX да Алишер Навоий, 27/IX да Широна ла-халар, 28/IX да Кияз Игор, 29/IX да Маллик аяёр (12.00), Оқшўк кўли (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 25/IX да Зебунино, 26/IX да Афандининг беш хотини, 27/IX да Хотинлар ганидан чиққан ҳангома, 28/IX да Тўмарис, 29/IX да Алишер Навоий.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚА-ЛИ ТЕАТРИДА — 29/IX да Кулги ва шодлик кечаси.

АББОР ҲИДОЯТОВ НО-МИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да Парангил сирлари, 26/IX да Адагани хотин яхши (преме-ра), 27/IX да Лаъна кўёв, 28/IX да Фармонбиди арава-ди, 29/IX да Кулги ва кў-шиқ кечаси.

### КИНО

25 СЕНТЯБРЬ А. Навоий номидаги Сап-ат саройи — «КАПИТАН «АМЕРИКА» (17.00, 20.00, 23.00), «ВОКСЧИ» (19.00, 22.00), «Тўқнашув» (тоқ соатларда, 20.45). Тошсовет — «ДУШМАН» (18.30, 21.00). Москва — «БУМ-2» (тоқ соатларда, 20.40).

Дўстлик — «КўЧА ОВ-ЧИСИ» (17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 20.40). Ш а р қ — «Б У М - 2» (18.30, 20.40).

### 26 СЕНТЯБРЬ

А. Навоий номидаги Сап-ат саройи — «КАПИТАН «АМЕРИКА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 23.00), «ВОКСЧИ» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00), «Тўқнашув» (тоқ соатларда, 20.45). Тошсовет — «ДУШМАН» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00). Москва — «БУМ-2» (тоқ соатларда, 20.40).

### МУҲРИМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент оқишони» ва «Вечерний Ташкент» муҳар-рираты номаси рўномаи ходими Э. Зайнутдиновга отаси

Шарип ЗАЙНУТДИНОВнинг вифот втағлиғи муносабати билан чунур таъзия наҳор қилади

1992 йил учун «Оқшом»га обуна давом этмоқда. Йиллик обуна нархи—25 сўм 68 тийин, ярим йилга—12 сўм 84 тийин. Нашр кўрсаткичи—64690.

Тошкент оқишони. МУАССИС: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши. МАНЗАЛГОҲИММ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун Ўзбек тилида чиқади. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 33-53-76, хатлар — 33-29-70, 33-53-79; шамаолчилик қабулхонаси — 33-55-83. Ҳамма эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг эълонлар бўли-ми таъйирлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Махфат Қизил Байроқ ордали босахонаси. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41